



“Тасдиқлайман”
 “Қашқадарё сув таъминоти”
 МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.
 “ 5 ” 11 2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ

Т Е Х Н И К Ш А Р Т № 236

Буюртмачи: Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Яккабоғ туман “Истикбол” маҳалласида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Яккабоғ туман “Истикбол” маҳалласи.

I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уландиган жой: “Истикбол” маҳалласини ичимлик сув билан таъминлаш учун, худудда гидрогеологлар хулосасига асосан, янгидан артезиан қудуқлари қазилди, сув миноралари қуриш, қудуқлар атрофини санитар химоя зонаси билан ўраш, бактерицид қурилмаси ўрнатиш, ободонлаштириш, ичимлик сув тармоқлар тортиш лойиҳада аниқлансин.

2. Уландиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуқтага қузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуқтасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуқтага ва ҳар бир хонадонга).

II. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Яккабоғ туман сув таъминоти филиалининг 31.10.2022 йилдаги техник хулосаси.

ИЧТБ бошлиғи

К.Қўйбоқоров